*БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

9- ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 25 (2058).

4 ФЕВРАЛЬ ЯКШАНБА 1962 ЙИЛ

БАҲОСИ 2 ТИЙИН

## ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР КАФЕДРАЛАРИ МУДИРЛАРИНИНГ БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ ЁПИЛДИ

МОСКВА, 2 февраль. (ТАСС). Олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг бугун Кремлда ўз ишларини тамомлаган Бутуниттифоқ кенгашининг асосий мазмуни ижтимоий фанларни янада ривожлантириш, коммунизм қураётган ёшларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш проблемаларидан иборат бўлди.

Охирги якунловчи мажлис коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш тўғрисидаги доклад билан бошланди. Бу ҳақда СССР Министрлар Совети давлат илмий-иқтисодий кенгаши раисининг ўринбосари **А. В. Коробов** доклад қилди. У, халқ хўжалиги асосий тармоқларини ривожлантиришнинг улуғвор перспективалари ҳақида гапирди.

Бугунги мажлисда КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, философия секциялари ишларининг якунлари тўғрисидаги ахборотлар тингланди. Бу ахборотларда партиянинг XX ва XXII съездлари орасидаги давр совет фанининг барча соҳаларида жиддий муваффақиятларга эришилган давр бўлганлиги таъкидланди.

Кенгаш ижтимоий фанлар бўйича олий мактаблар учун мукаммал дарсликлар яратиш ва ўқув программаларини яхшилаш вазифасига катта эътибор берди. Олий ўқув юртларида илмий коммунизм асослари курсини киритиш тўғрисидаги таклиф маъқулланди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **М. А. Сусловнинг** якунловчи нутқи зўр эътибор билан тингланди.

Кенгаш иштирокчилари КПСС Марказий Комитетига яқдиллик билан табрикнома қабул қилдилар.

# ХАЛҚ ЭНГ МУНОСИБ НОМЗОДЛАРНИ КЎРСАТМОҚДА

## ХАЛҚ НОМЗОДЛАРИ

Сайлов кампанияси янги ва муҳим даврга кирди. Бутун мамлакатимизда республикамизда, областимизда СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатила бошланди. Завод ва фабрикаларда, колхоз ва совхозларда, илмий ва маданий муассасаларда меҳнаткашлар зўр сиёсий активлик билан партия ва халқимизнинг энг яхши фарзандларини мамлакатимиз олий органига номзод қилиб кўрсатмоқдалар.

СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилган номзодлар орасида ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, шонли совет интеллигенциясининг ажойиб вакиллари бор. Ишчи, колхозчи, механизатор, сут соғувчи, жўхорикор, олим, Коммунистик партия ва Совет давлатининг арбоблари, хуллас, турли касб эгалари давлатимиз олий органига номзод қилиб кўрсатилган халқ вакилларидирлар.

Партия билан халқнинг монолит бирлиги бизнинг куч-қудратимиз асосидир. Бизнинг кучимиз — ғалабаларимиз илҳомчиси, ташкилотчиси, замонамиз ақли, идроки, шон-шарафи Коммунистик партиянинг, содиқ ленинчи, тинчлик ва халқлар бахт-саодати учун толмас курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги Марказий Комитетнинг доно, коллектив раҳбарлигидадир. Партиямиз XXII съезди қарорлари, съезд қабул қилган коммунизм қурилишининг буюк Программаси олга томон ривожланишимиз истиқболларини равшан кўрсатиб берди. Партия тантанали равишда совет халқининг ҳозирги авлоди коммунизмда яшайди деб эълон қилди. Халқ бахт-саодати, келажаги ҳақида ғамхўрлик қилиш — партиямиз фаолиятининг олий қонунидир. Шунинг учун ҳам меҳнаткаш халқ Коммунистик партияни беҳад севади, ўз тақдирини унга ишониб топшириб қўйган. Шунинг учун ҳам меҳнаткашлар мамлакатимизи олий органига депутатликка биринчи номзод қилиб Коммунистик партия ва Совет давлати арбобларини яқдиллик билан кўрсатмоқда. Республикамиз, областимиз меҳнаткашлари ўзларининг энг биринчи номзодлари қилиб, ўзбек халқининг қадрдон дўсти, маслаҳатчиси, содиқ ленинчи Никита Сергеевич Хрушчевни кўрсатдилар.

Дастлабки кўпминг кишилик сайловолди йиғилишларида СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник ўртоқларнинг номзодлари яқдиллик билан кўрсатилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларининг Олий Советга яқдиллик билан кўрсатилаётганлиги халқимизнинг КПССнинг ленинча доно сиёсатини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганлигини яна бир марта намойиш қилади.

СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилаётган халқ вакиллари орасида республикамизда колхоз қурилишининг ажойиб ташкилотчиси, машҳур пахтакор, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов, донгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Юқори Чирчиқдаги «Политотдел» колхозининг бутун мамлакатга донги кетган маккажўхорикори Любовь Ли, Ленин районидаги «XX партсъезд» колхозининг комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи Маннон Жалолов, Тошкент машинасозлик заводининг коммунистик бригада бошлиғи Евгений Александрович Кошелев ва бошқалар бор. Булар мамлакатимизда моддий бойликлар яратаётган, коммунизм қураётган қаҳрамон, ижодкор халқимизнинг ажойиб фарзандлари.

Оддий ишчи, колхозчи, механизатор, ёки оддий интеллигент мамлакатимиз энг олий органига депутатликка номзод қилиб кўрситилса! Ахир қайси бир капиталистик мамлакатда, қайси бир буржуазия парламентида оддий ишчи, деҳқон олий органга депутат қилиб сайланади? Буржуазия демократиясининг классик формаси деб кўкларга кўтариб мақталган Америка Қўшма Штатлари конгресси составида битта ҳам оддий ишчи ёки фермер йўқ!

Фақат совет демократияси тантана қилаётган, ривожланаётган Советлар диёридагина меҳнаткаш халқ ўз мамлакатининг чинакам хўжайини, давлатни ҳақиқий бошқарувчидир. Совет мамлакатида ҳар бир оддий ишчи, колхозчи деҳқон интеллигент ҳақли равишда: давлат — бизнинг ўзимиз, уни биз бошқараямиз дея олади.

Республикамиз, областимизда мамлакатимиз парламенти — СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган сайловолди йиғилишлари меҳнаткашларнинг юксак сиёсий кўтаринкилиги ва активлиги руҳида ўтмоқда. Номзодларни ёқлаб чиқиб сўзлаган халқ вакилларининг жўшқин нутқларида улуғ доно Коммунистик партияга, унинг ўртоқ Н. С. Хрушчев бошчилигидаги ленинчи Марказий Комитетига бўлган чуқур ишонч ва садоқат, социалистик Ватанга бўлган чексиз муҳаббат ўз ифодасини топгандир. Сайловчилар коммунизм улуғ иши учун тинмай курашишга, партиямиз XXII съезди тарихий қарорларини, коммунизм қурилишининг улуғ Программасини амалга оширишга қатъий бел боғлаганликларини изҳор қилмоқдалар.

Сайловолди йиғилишлари партия ва халқимизнинг буюк монолит бирлигининг ажойиб намойишига айланмоқда. Илгариги сайловлардаги каби бу сайловларда ҳам коммунистлар партиясизлар билан биргаликда бир блок бўлиб ўз вакилларини мамлакатимиз олий парламентига депутат қилиб сайлайдилар. Коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам ўз номзодлари қилиб коммунизм ишига содиқ бўлган, Ленин партиясининг улуғ иши учун курашувчи, етти йилликнинг ажойиб қаҳрамонларини яқдиллик билан кўрсатмоқдалар. Шубҳа йўқки, бу сайловларда ҳам коммунистлар билан партиясизларнинг енгилмас блоки ғалаба қилади. Халқимизнинг маънавий-сиёсий бирлиги, халқлар дўстлиги яна бир марта тантана қилади.

Коммунизм улуғ ишининг тантанаси учун, КПСС XXII съезди тарихий қарорларини амалга ошириш учун бутун кучимизни, юрагимиз ҳароратини, ақл-идрокимизни сарфлайлик!

☆ ☆ ☆

## КОММУНИСТИК ПАРТИЯ ВА СОВЕТ ХАЛҚИ БУЗИЛМАС БИРЛИГИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

### МОСКВА ШАҲРИ ВА МОСКВА ОБЛАСТИ

Меҳнаткашларнинг СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган кўп кишилик сайловолди йиғилишлари Коммунистик партия билан совет халқининг улуғ ва бузилмас бирлигини, ҳамма меҳнаткашлар халқни коммунизмга бошлаб бораётган партиянинг ленинча сиёсатини тўла равишда ва батамом қувватлаётганликларини кўрсатувчи ёрқин, тўлқинли намойишга айланди.

Пойтахтнинг илғор корхоналаридан бири бўлган Владимир Ильич номидаги Москва заводининг электр машинасозлари КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига **Москворецкий** сайлов округидан номзод қилиб кўрсатдилар. **Измайлово, Тимирязев, Жданов, Дзержинский, Фрунзе** сайлов округларининг бир қанча корхоналаридаги йиғилишларда ҳам Н. С. Хрушчев номзоди кўрсатилди.

Автомобиль ва автомотор илмий-тадқиқот институтининг коллективи КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Анастас Иванович Микоянни** СССР Олий Совети депутатлигига **Тимирязев** сайлов округидан номзод қилиб кўрсатди.

Пойтахтдаги Пресня машинасозлик заводининг меҳнаткашлари ўзларининг умумий йиғилишларида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Фрол Романович Козловни** СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига **Красная Пресня** сайлов округидан номзод қилиб кўрсатдилар.

**Ломоносов** сайлов округида карбюратор заводининг коллективи КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Михаил Андреевич Сусловни** СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

«Калибр» заводининг коллективи КПСС Марказий Комитетининг секретари, Москва шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Петр Нилович Демичевни** СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига **Дзержинский** сайлов округидан номзод қилиб кўрсатишга қарор қилди.

Куйбишев номидаги Москва электр заводи коллективининг сайловолди йиғилиши коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари, корхонанинг илғор обмотчиги **Нина Николаевна Морозовани** СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига **Измайлово** сайлов округидан номзод қилиб кўрсатди.

Биринчи подшипник заводининг минглаб меҳнаткашлари инструментлар цехининг биносида сайловолди йиғилишига тўпландилар. Коммунистик меҳнат зарбдори А. В. Викторов минбарга чиқиб, завод директори А. А. Громов шу корхонада узоқ йиллар ишлаб, оддий токардан завод директори даражасига кўтарилганлигини айтди ва ўртоқ **Анатолий Александрович Громовни** СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига **Жданов** сайлов округидан номзод қилиб кўрсатишни корхона коллективи номидан таклиф қилади. Бу таклиф яқдиллик билан қабул қилинди.

**Тимирязев** сайлов округида халқ маорифи ходимларининг йиғилишида Тимирязев районидаги ўқитувчилар коллективининг таклифига биноан, РСФСРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Москва шаҳридаги 210-ўрта мактаб педагоги **Елена Алексеевна Демина** СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Внуково аэропортида, 1905 йил хотираси номидаги электромашинасозлик заводида меҳнаткашларнинг СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтди. Бу йиғилишларнинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси **Николай Михайлович Швернинни** СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига **Москва шаҳар** сайлов округидан номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида «Москабель» ва Серго Оржоникидзе номидаги станоксозлик заводлари коллективларининг қилган таклифини қувватладилар.

Москва областида К. И. Николаева номидаги Орехово ип газлама комбинати коллективининг сайловолди йиғилишига уч мингта яқин киши тўпланди. Мастер ёрдамчиси Г. С. Костерева минбарга чиқиб, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевни СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилди.

Бу таклиф гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Коммунистик меҳнат бригадасининг раҳбари тўқувчи Л. В. Попкова ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг номзодини қизғин равишда қувватлаш билан бирга, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Бутуниттифоқ касаба союзлари марказий советининг раиси В. В. Гришинни ҳам СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилади.

Умумий йиғилиш **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва **Виктор Васильевич Гришинни** СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига **Орехово-Зуево** сайлов округидан номзод қилиб кўрсатишга яқдиллик билан қарор қилди.

Пойтахт ва Москва области меҳнаткашларининг йиғилишларида округ сайловолди кенгашларига вакиллар сайланди.

### ЛЕНИНГРАД ШАҲРИ ВА ЛЕНИНГРАД ОБЛАСТИ

Гатчина районидаги КПСС XXI съезди номидаги қишлоқ хўжалик артели аъзоларининг сайловолди йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда **Гатчина** сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчев** ва КПСС XXII съезди номидаги колхоздан машина билан сут соғиш мастери **Зоя Гавриловна Сунинанинг** номзоди яқдиллик билан кўрсатилди.

«Октябрская» йигирув-тўқув фабрикаси коллективининг сайловолди йиғилиши тўла бирдамлик вазиятида ўтди. Йиғилишда Ленинград шаҳар **Виборг** сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Леонид Ильич Брежнев** ва шу фабриканинг тўқувчиси **Екатерина Васильевна Дутишева** депутатликка номзод қилиб кўрсатилди.

С. М. Киров номидаги йигирув-ип комбинати меҳнаткашлари 2 февралда ип фабрикаси ўроб цехига сайловолди йиғилишига тўпландилар.

Йиғилиш Ленинград шаҳрининг **Смольний** сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига КПСС Марказий Комитетининг секретари, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари **Иван Васильевич Спиридоновни** номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида яқдиллик билан қарор қабул қилди.

### НОВОСИБИРСК ОБЛАСТИ

СССР Фанлар академияси Сибирь бўлимининг ходимлари СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган геология ва геофизика институтининг мажлислар залида ўтказилган йиғилишга тўпландилар.

Академик С. А. Христианович минбарга чиқади. У, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчевни депутатликка номзод қилиб кўрсатади. СССР Фанлар академиясининг корреспондент-аъзоси Э. Э. Фотиади бу таклифни қизғин қувватлаб, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси Д. С. Полянскийни, Новосибирск давлат университетининг старший ўқитувчиси Н. Я. Гушчин эса КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Сусловни депутатликка номзод қилиб кўрсатишни таклиф қиладилар.

Академик А. А. Трофимук академик М. А. Лаврентьевнинг хилмахил, самарали илмий, давлат ва жамоатчилик фаолияти ҳақида гапириб, уни СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилади. Йиғилишда академик И. Н. Векуа, слесарь П. М. Новоселов, профессор П. О. Пашков сўзга чиқиб, кўрсатилган номзодларни қизғин қувватладилар.

Йиғилиш **Никита Сергеевич Хрушчев, Дмитрий Степанович Полянский, Михаил Андреевич Суслов, Михаил Алексеевич Лаврентьев** ўртоқларни СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига **Новосибирск-Октябрь** сайлов округидан номзод қилиб кўрсатишга яқдиллик билан қарор қилди.

### СМОЛЕНСК ОБЛАСТИ

Гжатскдаги «Трудовик» тикувчилик фабрикаси клубида кўп кишилик сайловолди йиғилиши бўлиб ўтди.

Кийим бичиш цехининг бошлиғи И. Алексеев КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчевни СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилди.

Тикувчи Б. Воробьева бу таклифни қувватлади ва КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Сусловни номзод қилиб кўрсатди.

Фабрика комсомол ташкилотининг секретари А. Семеновага сўз берилди. У, ўзининг донгдор ҳамшаҳари, биринчи космонавт, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. А. Гагарин номзодини кўрсатади.

Йиғилиш номзодларни муҳокама қилгандан кейин **Сичев** сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига **Никита Сергеевич Хрушчев, Михаил Андреевич Суслов** ва **Юрий Алексеевич Гагарин** номзодларини кўрсатиш тўғрисида яқдиллик билан қарор қабул қилди.

### СВЕРДЛОВСК ОБЛАСТИ

Первоуральскдаги Новотрубний заводи коллективининг СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган умумий йиғилиши бўлиб ўтди.

Учинчи сим ясаш цехи симни чўзиш бўлимининг бошлиғи Г. Трифоновнинг биринчи Урал сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчев номзодини кўрсатиш тўғрисидаги таклифи гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Биринчи трубо-прокат цехи бошлиғининг ўринбосари А. Султинских минбарга чиқди. У, Н. С. Хрушчев номзодини қувватлаб, шунингдек СССР Олий Совети депутатлигига мастер-прокатчик В. Г. Терехин номзодини кўрсатишни таклиф қилди.

Йиғилиш **Первоуральск** сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига **Никита Сергеевич Хрушчев** ва **Валентин Гаврилович Терехин** номзодларини кўрсатишга қарор қилди.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)

Кеча Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида СССР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Колхоз меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси Д. С. Полянский ва шу колхознинг донгдор маккажўхорикори Любовь Ли ўртоқларни Миллатлар Совети депутатлигига Оҳангарон сайлов округидан номзод қилиб кўрсатишга яқдиллик билан қарор қилдилар. Суратда: колхоз аъзоларининг сайловолди йиғилиши.

Р. Шамсутдинов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

## СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясида

2 февралда Москвада, Союзлар уйида олтинчи чақириқ СССР Олий Советига сайлов ўтказувчи Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисда ўртоқ В. В. Гришин раислик қилди.

Комиссия жойларда СССР Олий Советига сайловларга тайёрликнинг бориши тўғрисидаги масалани қараб чиқди. Мажлисда Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари ўртоқ Г. Ш. Каржаубаев, Коми АССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Н. Д. Вахнин, меҳнаткашлар депутатлари Красноярск ўлка Совети ижроия комитетининг секретари ўртоқ К. Ф. Лихачев, меҳнаткашлар депутатлари Брянск область Совети ижроия комитетининг раиси ўртоқ Д. П. Комарованинг ахборотлари тингланди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари ўртоқ Н. А. Муравьева ва сайловларга тайёргарлиннинг бориши билан танишиб чиқиш учун айрим республикалар ва областларга бориб келган комиссия аъзолари К. К. Турғунбоев ва А. Ф. Базулев ўртоқлар ҳам бу масала юзасидан ахборот бердилар.

Комиссия Қозоғистон ССР, Коми АССР, Красноярск ўлкаси ва Брянск областида сайловларга тайёргарлик СССР Конституциясининг талабларига ва СССР Олий Советига сайловлар тўғрисидаги Низомга қаттиқ риоя қилинган ҳолда олиб борилаётганлигини қайд қилди.

Сайловлар тўғрисидаги Низомда белгиланган муддатларда сайлов комиссиялари тасдиқланган. Бу комиссиялар ишга киришганлар. Сайлов участкалари ўз вақтида ташкил этилган. Ҳозирги вақтда участка сайлов комиссиялари тасдиқланмоқда ва сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш соҳасида иш олиб борилмоқда.

СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатила бошлади.

Шаҳарларда, посёлка ва қишлоқларда, корхоналарда ва муассасаларда агитпунктлар ташкил этилди. Пропагандистлар ва агитаторлар КПСС XXII съездининг тарихий қарорларини ва партия Программасини тушунтириш юзасидан аҳоли ўртасида агитация—оммавий иш олиб бормоқдалар. СССР Конституцияси тўғрисида, сайловлар тўғрисидаги Низом ҳақида, совет гражданларининг сайлов ҳуқуқлари тўғрисида суҳбатлар ўтказмоқдалар.

Мажлисда сайлов комиссияларининг тузилиши тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг секретари ўртоқ М. П. Георгадзенинг ахбороти тингланди. Иттифоқчи ва автоном республикалар Олий Советларининг Президиумлари, меҳнаткашлар депутатлари ўлка, область ва округ Советлари ижроия комитетлари Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи иттифоқчи ва автоном республикалар, автоном область ва миллий округларнинг сайлов комиссияларини, шунингдек Иттифоқ Советига ва Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини сайловлар тўғрисидаги Низомда белгиланган тартиб ва муддатларга мувофиқ тасдиқладилар.

Бутун мамлакатда Миллатлар Советига сайлов ўтказиш юзасидан иттифоқчи республикаларнинг 15 сайлов комиссияси, автоном республикаларнинг 20 сайлов комиссияси, автоном областларнинг 8 комиссияси ва миллий округларнинг 10 комиссияси тузилди. Шунингдек 1443 округ сайлов комиссияси, шу жумладан Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи 791 округ сайлов комиссияси ва Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи 652 округ сайлов комиссияси тузилди.

Ишчилар ва хизматчилар, колхозчилар, интеллигенция орасидан чиққан илғор кишилар, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз флотининг жангчилари сайлов комиссиялари составига ўтди.

Комиссия СССР денгиз флоти министрининг ўринбосари ўртоқ Н. Н. Долинскийнинг ахборотини тинглади ва сайлов куни сафарда бўладиган кемаларда СССР Олий Совети сайловларига тайёргарлик кўриш, шунингдек Узоқ Шимол ва Антарктикадаги қишлоқ пункт ларида сайловларга тайёргарлик кўришнинг конкрет тадбирларини белгилади. Бу тадбирлар сайловчилар овоз бериш кунида узоқ сафарда ёки қишлоқ жойларида бўлган тақдирда ҳам уларнинг сайловларда иштирок қилишлари учун имконият яратиб беради.

Комиссия бошқа баъзи масалаларни ҳам қараб чиқди.

Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи республика сайлов комиссияларининг раислари, СССР ва РСФСР баъзи министрликлари ва бошқармаларининг раҳбарлари, жамоатчилик, матбуот, радио вакиллари қатнашдилар. (ТАСС).

## Фарғона область партия комитетининг пленуми

Ўзбекистон Коммунистик партияси Фарғона область комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

Пленум ўртоқ Т. Р. Қамбаровни бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан область партия комитетининг биринчи секретари вазифасидан озод қилди. Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари ва бюро аъзоси қилиб ўртоқ Г. А. Габриельянц сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ Ф. Е. Титов қатнашди. (ЎзТАГ).

# КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯСИЗЛАР БЛОКИНИНГ НОМЗОДЛАРИ

## Коммунистик партия ва совет халқи бузилмас бирлигининг ёрқин намойиши

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

### ЧИТА ОБЛАСТИ

«Первое Мая» қишлоқ хўжалик артелининг бир неча юз аъзолари байрамлардагидек безатилган клуб биносига тўпландилар. Чўпон Е. В. Шелеметьев, электростанция механиги Г. Ф. Филиппов, комплекс бригада бошлиғи М. Н. Соболевлар сўзга чиқдилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Ўртоқ Н. С. Хрушчев ва КПСС Марказий Комитети РСФСР бюроси раисининг биринчи ўринбосари Г. И. Воронов номзодларини кўрсатдилар.

Партия бюросининг секретари В. В. Сундинфо бу таклифларни қўллаб-қувватлади ва шунингдек СССР Олий Совети депутатлигига ўзининг ҳам қишлоғи, «Первое Мая» колхозининг механизатор — маккажўхорикори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Г. Лисичниковнинг номзодини кўрсатишни таклиф қилди.

Колхозчиларнинг йиғилиши якдиллик билан қуйидаги қарорни қабул қилди: **Шилкинский** сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига **Никита Сергеевич Хрушчев, Геннадий Иванович Воронов** ва **Алексей Георгиевич Лисичниковлар**нинг номзодлари кўрсатилсин.

### БОШҚИРДИСТОН АССР

Арлан нефть районида «Туймазабурнефть» трести 4-пармалаш конторасининг йиғилишида пармалаш мастери Ф. А. Алексеев сўзга чиқди.

— СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига биздан номзод қилиб Ўртоқ Никита Сергеевич Хрушчевни кўрсатишни таклиф қиламан,— деди у.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев номзодини йиғилишнинг барча иштирокчилари қизғин қўллаб-қувватладилар.

Ишчи Н. Д. Цуцуриннинг таклифига биноан Иттифоқ Совети депутатлигига пармалаш конторасининг ишчиси мастер Х. С. Абсалямовнинг номзоди кўрсатилди.

Йиғилиш **Янаул** сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига **Никита Сергеевич Хрушчев** ва **Ҳамза Салоҳиддинович Абсалямов** ўртоқларнинг номзодларини кўрсатишга қарор қилди.

### КАРЕЛИЯ АССР

Петрозаводскдаги слюда фабрикасида ва СССР Фанлар академиясининг Карелия филиалида сайловолди йиғилишлари бўлиб ўтди. Шу йиғилишларда **Онега** сайлов округидан Миллатлар Совети депутатлигига якдиллик билан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Отто Вильгельмович Куусинен** номзоди кўрсатилди.

### УКРАИНА ССР

«Рутченковуголь» трести 17—17-БИС шахта бошқармасининг Маданият саройи ишчилар, хизматчилар, уй-рўзғор иши билан шуғулланувчи аёллар билан лиқ тўлди. Комплекс бригаданинг бошлиғи, биринчи участка партия ташкилотининг секретари А. Н. Рябоконев сўзга чиқди. У, СССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчев номзодини кўрсатишни таклиф қилди.

Коммунистик меҳнат бригадасининг проходчиги Э. Ф. Долгалев Н. С. Хрушчев номзодини қўллаб-қувватлади ва шунингдек СССР Олий Совети депутатлигига коммунистик меҳнат коллективи проходчиклар бригадасининг бошлиғи Иван Лазаревич Замуранинг кўрсатишни таклиф қилди.

17—17-БИС шахта бошқармаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилиши **Донецк—Киров** сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига **Никита Сергеевич Хрушчев** ва **Иван Лазаревич Замура** ўртоқларнинг номзодларини кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

КПСС XXII съезди номидаги колхоз аъзоларининг йиғилишида **Тернополь** сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига **Никита Сергеевич Хрушчев** номзоди кўрсатилди. Шу колхознинг меҳнаткашлари СССР Олий Совети депутатлигига ўзларидан номзод қилиб, машҳур звено бошлиғи, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Евгения Алексеевна Долинюкни** кўрсатдилар.

Кривой-Рогдаги «Укрэкскавация» трести 626-ихтисослашти р и л г а н бошқарма коллективининг сайловолди йиғилишида **Кривой-Рог** сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Николай Викторович Подгорний** ва энг яхши экскаваторчилардан бири, республикада хизмат кўрсатган бинокор **Иосиф Афанасьевич Галенко** номзодлари кўрсатилди.

Байрамлардагидек безатилган 7—8-шахтада 1300 дан ортиқ кончи сайловолди йиғилишига тўпландилар.

Йиғилиш **Красний Луч** сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Украина ССР Министрлар Советининг раиси **Владимир Васильевич Шчербицкийнинг** номзодини кўрсатиш тўғрисида бир овоздан қарор чиқарди.

### БЕЛОРУССИЯ ССР

Минск камволь комбинати кўп минг кишилик коллективининг йиғилишида корхона партия комитетининг секретари А. П. Ситников сўзга чиқди. У, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари К. Т. Мазуровни Минск биринчи шаҳар сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди.

Ишчи К. М. Гаркач, тўқувчилик ишлаб чиқариши тайёрлаш цехининг бошлиғи А. И. Дашкевич ва бошқалар бу таклифни қизғин қувватладилар.

Минск тўқимачиларининг йиғилиши Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи **Минск** биринчи шаҳар сайлов округидан **Кирилл Трофимович Мазуровни** СССР Олий Советининг депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

Минскдаги Октябрь революцияси номли завод коллективи ҳам Ўртоқ К. Т. Мазуровни СССР Олий Совети депутатлигига якдиллик билан номзод қилиб кўрсатди.

### ҚОЗОҒИСТОН ССР

«Чимкўрғон» совхозига чорвадорлар тўпландилар. 4-ферманинг мудири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Б. Даудбоева сайлов олди йиғилишида сўзга чиқиб, СССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Фрол Романович Козловнинг номзодини кўрсатишни таклиф қилди.

Совхознинг старший зоотехниги И. Муратов ва бошқалар бу таклифни қизғин қувватладилар.

Старший чўпон Асанов шунингдек депутатликка номзод қилиб республиканинг машҳур чорвадори, КПСС XXII съездининг делегати А. Шахабоевнинг номзодини кўрсатишни таклиф қилди.

Йиғилиш **Чимкент** қишлоқ сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига **Фрол Романович Козлов** ва **Азимхон Шахабоев** ўртоқларнинг номзодларини кўрсатишга якдиллик билан қарор қилди.

Олмаотадаги оғир машинасозлик заводининг механика-йиғиш цехига ишчилар, инженер-техник ходимлар, хизматчилар тўпландилар. Улар СССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодларини кўрсатиш учун шу ерга келдилар.

Машинасозлар йиғилиши Иттифоқ Советига сайловлар ўтказувчи **Олмаота—Ленин** сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитетининг секретари **Леонид Федорович Ильичев** номзодини кўрсатишга қарор қилди.

Қўриқ ўлка Кийми районидаги Ярославский совхозида сайловолди йиғилишига кўп киши тўпланди. Бу ердаги мактабнинг директори К. А. Абдураҳмонов сўзга чиқди.

— Мен ўз коллективимиз номидан, деди у, СССР Олий Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси, қўриқ ерларни ўзлаштиришнинг биринчи ташаббускори ўртоқ Н. С. Хрушчевни кўрсатишни таклиф қиламан.

Бу таклиф гулдурос қарсаклар билан кутиб олинди.

Механизатор В. М. Васильченко минбарга чиқади. У, донги кетган механизатор, бригада бошлиғи Михаил Егорович Довжик номзодини кўрсатишни таклиф қилади.

Шофер Г. Т. Байдуков, ишчилардан П. С. Романенко, И. П. Герасимова, ишчилар комитетининг раиси А. П. Рагулькин шу номзодларни ёқлаб чиқдилар.

Йиғилиш Иттифоқ Советига сайлов бўйича **Атбасар** сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва **Михаил Егорович Довжикни** номзод қилиб кўрсатиш ҳақида якдиллик билан қарор қабул қилди.

### ГРУЗИЯ ССР

Рустави металлургия заводининг сайловолди йиғилишига минглаб ишчилар, инженерлар ва хизматчилар келдилар.

Йиғилиш иштирокчилари **Рустави** сайлов округидан СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг депутатлигига номзод қилиб **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва илғор пўлат эритувчи **Амиран Соломонович Панцулайни** кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор чиқарди.

Махарадзе районида колхозчилар ўзларининг сайловолди йиғилишларида **Махарадзе** сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига **Никита Сергеевич Хрушчев, Леонид Ильич Брежнев** ва Шрома қишлоғидаги С. Оржоникидзе номли колхознинг машҳур чойкори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Татьяна Несторовна Чхаидзе** номзодларини кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

Тбилиси паровоз-вагон ремонт заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилиши **Тбилиси Биринчи Май** сайлов округидан СССР Олий Советининг Иттифоқ Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Грузия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Василий Павлович Мжаванадзени** номзод қилиб кўрсатиш ҳақида якдиллик билан қарор чиқарди.

В. П. Мжаванадзе, шунингдек, Тбилисидаги «Электродвигатель» заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг сайловолди йиғилишида СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилди.

Сухуми чарм-пойафзал комбинатида СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилиш **Сухуми** шаҳар сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига КПСС Марказий Комитетининг секретари **Борис Николаевич Пономаревни** номзод қилиб кўрсатишга қарор қилди.

### ОЗАРБАЙЖОН ССР

Каспий нефтчиларининг аҳил оиласи мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органига номзодлар кўрсата бошлади. Нефтчилар Иттифоқ Советига сайловлар ўтказувчи **Боку—Ленин** сайлов округидан СССР Олий Совети депутатлигига ўз номзодлари қилиб, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни**, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Леонид Ильич Брежневни**, КПСС XXII съезди номидаги нефть конлари бошқармасининг мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, партия XXII съездининг делегати **Аниф Аллахерович Жаъфаровни** номзод қилиб кўрсатдилар.

### ЛИТВА ССР

Каунасдаги «Дробе» жун-газлама фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг сайловолди йиғилиши бўлди.

Йиғилиш қуйидаги қарорни қабул қилди: Миллатлар Советига сайловлар ўтказувчи **Каунас** жанубий сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб **Никита Сергеевич Хрушчев** ва «Дробе» фабрикасининг тўқувчиси **Гене Каралене** кўрсатилсин.

### ЛАТВИЯ ССР

«Катениеки» совхози деҳқонлари, чорвадорлари, механизаторлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари иш куни тамом бўлганидан кейин клубнинг **кенг залига** тўпландилар. Бу ерда СССР Олий Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилиш бўлди.

Йиғилишда совхоз бошланғич партия ташкилотининг секретари В. Хофратс сўзга чиқиб, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневни Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди.

Совхознинг бош ветеринария врачи Я. Янсон республиканинг донгдор чўчқа боқувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. П. Бартулни мамлакатимизнинг давлат ҳокимияти олий органи депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф қилди.

Йиғилиш ғоят баланд руҳ билан **Леонид Ильич Брежнев** ва **Антон Петрович Бартулни Добель** сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга қарор қилди.

### ҚИРҒИЗИСТОН ССР

Ҳайдаркон конининг металлургларни ва кончилари проходчиклар бригадасининг бошлиғи **Ботирбек Содиқовни Қизилқия** сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар.

Баланд тоғлик Жумғалдаги «Чаек» қишлоқ хўжалик артелининг аъзолари **Қўчқор** сайлов округидан Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб ўз ҳамқишлоқлари, колхоз чўпони Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Раҳматали Сартбоевни** кўрсатдилар.

### ТОЖИКИСТОН ССР

Ленинобод область Пролетар районидаги Ленин номли колхоз клубига 1200 дан ортиқ колхозчилар, қишлоқ интеллигенциясининг вакиллари тўпландилар.

Колхозчиларнинг умумий йиғилиши **Нов** сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига **Никита Сергеевич Хрушчев** ва Ленин номли колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Абдуғафур Саматовларни** номзод қилиб кўрсатди.

### ТУРКМАНИСТОН ССР

Ашхоббодаги Дзержинский номли йигирув-тўқув фабрикасининг юзлаб тўқимачилари СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишга тўпландилар. Ишчилардан В. О. Молодих минбарга чиқди. У, Ашхобод-Ленин сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Никита Сергеевич Хрушчевни кўрсатиш ҳақида таклиф киритди.

Йигириш ишлаб чиқариши мудирининг ўринбосари А. Абашина Н. С. Хрушчевни депутатликка номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қувватлаб, Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб Ашхобод йигирув-тўқув фабрикасининг бригада бошлиғи О. Омоновани кўрсатишни таклиф қилди.

Ашхобод йигирув-тўқув фабрикаси ишчилари ва хизматчиларининг умумий йиғилиши СССР Олий Совети Миллатлар Совети депутатлигига **Ашхобод-Ленин** сайлов округидан номзод қилиб **Никита Сергеевич Хрушчевнинг** ва **Оҳжамол Омоновани**нинг номзодларини кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилди.

### ЭСТОНИЯ ССР

Таллин машинасозлик заводининг модель цехида кўп кишилик йиғилиш бўлиб ўтди. Корхона директори Л. Головачев СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига Никита Сергеевич Хрушчев номзодини кўрсатишни таклиф қилди. Разметчик Р. Метсар бу таклифни қизғин қувватлади. У, шунингдек завод разметчиклар бригадасининг бошлиғи А. Я. Валдов номзодини кўрсатди.

Таллин машинасозлик заводи коллективи **Калинин** шимолий сайлов округидан СССР Олий Совети Миллатлар Советининг депутатлигига номзод қилиб **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва **Альфред Яанович Валдовни** кўрсатишга қарор қилди.

«Балтийская мануфактура» ип газлама комбинатида ва «Пихьяла» фабрикасида ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ҳам депутатликка номзод қилиб Никита Сергеевич Хрушчевни ва Альфред Яанович Валдовни якдиллик билан кўрсатдилар. (ТАСС).

## ЯКДИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН

Ўзбекистонда СССР Олий Совети депутатлигига номзод кўрсатишга бағишланган сайловолди йиғилишлари сиёсий активлик ғоят ўсган бир вазиятда ўтмоқда.

Меҳнаткашлар халқимизнинг Ватанга садоқатини амалда исбот этган энг яхши, энг муносиб ўғил ва қизларини депутатликка номзод қилиб кўрсатмоқдалар. Сайловолди йиғилишларида Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоблари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, интеллигенциянинг муносиб вакиллари зўр якдиллик билан номзод қилиб кўрсатилмоқда.

### ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг неча минглаб ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари Ҳурмат тахтаси олдидаги катта майдонга тўпландилар. Учинчи фабрика цехининг бошлиғи К. П. Питякова шу ерда ҳозир бўлган кишиларга мурожаат қилиб, бундай деди:

— СССР Олий Советининг Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи **Тошкент-Ленин** сайлов округи меҳнаткашларининг сайловолди йиғилишларида партия ва халқнинг содиқ фарзанди, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Шароф Рашидович Рашидов** номзоди кўрсатилди. Мен коллективимиз номидан бу номзодни астойдил қўллаб-қувватлайман.

Мен дугонамиз, учинчи фабриканинг илғор йигирувчиси **Фанна Аксентьевна Шероновани** Тошкент-Ленин сайлов округидан Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этаман.

Тўқимачиларнинг сайловолди йиғилишида сўзга чиққан йигирувчилардан Л. А. Абаева ва М. Ф. Алпатова, цех бошлиғи И. Тўйчиев ёш ишчи Ғалла Ерошевалар Ш. Р. Рашидов ва Ф. А. Шероноваларнинг номзодларини қизғин қувватладилар.

Тошкент-Ленин сайлов округида «Қизил тонг» тиқувчилик фабрикаси коллективининг йиғилишида экспериментал цехининг бошлиғи, инженер Л. Ф. Фактор КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Алексей Николаевич Косигинни шу округдан Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Мастер Ф. Шахобиддинова А. Н. Косигин номзодини қизғин қувватлаб, Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси **Фанна Аксентьевна Шероновани** депутатликка номзод қилиб кўрсатишни тавсия этди.

Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ҳам **Алексей Николаевич Косигинни** ва **Фанна Аксентьевна Шероновани Тошкент-Ленин** сайлов округидан Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишга қарор бердилар.

Бир мингдан кўпроқ қишлоқ меҳнаткашлари, чорвадорлар механизаторлар Оҳангарон сайлов округидан Миллатлар Совети депутатлигига номзод кўрсатиш учун Юқори Чирчиқ районидаги донги кетган «Политотдел» колхозининг клубига йиғилишдилар. Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи В. П. Кан сўз олади. У, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Россия Федерацияси Министрлар Советининг Раиси **Дмитрий Степанович Полянскийни** СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатади.

Бригада бошлиғи Х. Мусақулов, колхозчи А. Утегенов, зоотехник Ф. Мун ўртоқ Д. С. Полянскийнинг номзодини қувватлайдилар.

Чорвадор Л. Е. Романова ўз нутқида Д. С. Полянскийнинг номзодини қувватлаб мамлакатимизга донги кетган маккажўхорикорлар бригадасининг бошлиғи **Любовь Лини** СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этади.

19-мактаб директори Д. И. Люгай, бригада бошлиғи К. Эргашев, зоотехник Г. Б. Давидов, колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ман Гим Хван йиғилиш қатнашчиларининг фикрини изҳор қилиб, **Дмитрий Степанович Полянскийни** ва **Любовь Лини**нг **Оҳангарон** сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатилишини маъқулладилар.

Оҳангарон ГРЭСи қурувчилари ва Пискент районидаги Тельман номли колхоз аъзолари коллективларининг сайлов олди йиғилишларида ҳам Д. С. Полянский ва Л. Ли номзодлари кўрсатилди.

Чирчиқ электрохимия комбинатида кўп кишининг иштироки билан йиғилиш бўлди. Смена бошлиғи А. Абдуллажонов йиғилишда нутқ сўзлаб, бундай деди:

— Мен Иттифоқ Советига сайлов ўтказувчи Чирчиқ сайлов округидан КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Леонид Ильич Брежнев** номзодини кўрсатишни таклиф этаман.

Комбинат директори И. Г. Анисимкин Л. И. Брежнев номзодини маъқуллаб, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари **Федор Егорович Титовни** Чирчиқ сайлов округидан депутатликка номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди.

Химиклар **Леонид Ильич Брежневни** ва **Федор Егорович Титовни Чирчиқ** сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилдилар. «Ташавтомаш» заводи ва Бўстонлиқ районидаги «Хўжакент» совхози ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ҳам ўз йиғилишларида Л. И. Брежнев ва Ф. Е. Титов номзодларини кўрсатдилар.

### АНДИЖОН ОБЛАСТИ

«Қора олтин» чиқарувчилар, ер ости бойликларининг разведкачилари, геологлар, автоматика ва энергия хўжалиги ходимлари «Андижан» нефть кони клубига йиғилишдилар. Кон директори М. Зуҳриддинов сўз олади. У, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Михаил Андреевич Сусловни** Андижон қишлоқ сайлов округидан СССР Олий Советининг Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этади.

Автоматика хизмати монтери Ю. И. Селиванов ўртоқ М. А. Сусловнинг номзодини маъқуллаб, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Едгор Содиқовна Насриддинованн** Андижон қишлоқ сайлов округидан Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни тавсия этади.

Инженер-диспетчер Т. С. Гулухова, пармалаш участкасининг механиги М. Раимов, мастер А. Н. Ципленков, ишчи ёшлари кечки мактабининг директори А. Ҳошимов ўз нутқларида ўртоқ Е. С. Насриддинова номзодини қувватлайдилар.

СССР Олий Советининг Миллатлар Советига сайлов ўтказувчи **Андижон** қишлоқ сайлов округидан **Михаил Андреевич Сусловни** ва **Едгор Содиқовна Насриддинованн** депутатликка номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билаб қарор қабул қилинади.

«Ойим» совхози ва Пахтаобод районидаги Ёқубов номли колхоз коллективларининг сайловолди йиғилишларида ҳам М. А. Суслов ва Е. С. Насриддинова номзодлари кўрсатилди.

Наманган районидаги «Ленинград» колхози аъзоларининг йиғилишида шу колхоз раисининг ўринбосари Маҳмуд Юсупов КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Анастас Иванович Микоянни Наманган** қишлоқ сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этди.

Колхоз комсомол комитетининг секретари М. Исматуллаев киритилган таклифни қувватлайди. Шу билан бирга, у, ўзбек халқининг содиқ фарзанди, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси **Раҳмонқул Қурбоновни** Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни таклиф этади.

Трактор-далачилик бригадасининг бошлиғи Б. Раҳматов, колхозчи А. Отахонов, пахта териш машинасининг механик-ҳайдовчиси Ғ. Ғаниева, пенсионер М. Тошбоевлар ўз нутқларида кўрсатилган номзодларни маъқулладилар.

«Ленинград» колхозининг аъзолари **Анастас Иванович Микоянни** ва **Раҳмонқул Қурбоновни Наманган** қишлоқ сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

Наманган қишлоқ сайлов округида Учқўрғон ёғ-экстракт заводи ва «Заркент» совхози коллективларининг сайловолди йиғилишларида ҳам А. И. Микоян ва Р. Қурбонов ўртоқларининг номзодлари кўрсатилди.

### САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

26 Боку комиссарлари номли пиллакашлик фабрикасининг неча юзлаб ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари корхонанинг тўқув цехида ўтказилган сайлов олди йиғилишида қатнашдилар.

Ўраш-тайёрлаш цехи бошлиғининг ўринбосари М. М. Мухиннинг КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Леонид Ильич Брежневни** Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифини йиғилишнинг ҳамма қатнашчилари маъқулладилар. Тўқув цехининг бошлиғи А. Гуломов бу таклифни маъқуллаш билан бирга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоси, Туркистон Ҳарбий Округи қўшинлари қўмондони, армия генерали **Иван Иванович Федюнинскийни** депутатликка номзод қилиб кўрсатади.

**Леонид Ильич Брежневни** ва **Иван Иванович Федюнинскийни Самарқанд** шаҳар сайлов округидан Миллатлар Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилинади. Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг ўқитувчилари, илмий ходимлари ва студентлари, Пастдарғом районидаги Ленин номли колхозининг аъзолари ҳам Л. И. Брежнев ва И. И. Федюнинский номзодларини кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

### ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** СССР Олий Совети депутатлигига биринчи номзод қилиб кўрсатдилар. Қорақалпоғистон ёзувчилари ва журналистларининг сайловолди йиғилиши, шунингдек Қорақалпоғистон педагогика институтининг коллективи ўртоқ Н. С. Хрушчев номзодини кўрсатди.

Автоном республиканинг халқ шоири Содиқ Нурумбетов ёзувчилар ва журналистларнинг йиғилишида сўзга чиқиб, ўртоқ Н. С. Хрушчевни содиқ ленинчи, тинчлик ва халқ бахт-саодати учун толмас курашчи деб таърифлади.

Адабиётчи Т. Жумамуратов С. Нурумбетовнинг таклифини қувватлаб, ёзувчи, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги **Мусо Тошмуҳамедов—Ойбекни** СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Автоном республика ёзувчилари ва журналистларининг йиғилиши, шунингдек Қорақалпоғистон педагогика институтининг коллективи **Никита Сергеевич Хрушчевни** ва **Мусо Тошмуҳамедов—Ойбекни Нукус** сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

### СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

Термиз пахта тозалаш заводида ўтказилган сайлов олди йиғилишининг қатнашчилари слесарь И. В. Григоровнинг КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси **Никита Сергеевич Хрушчевни** СССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифини давомли қарсаклар билан маъқулладилар.

Заводнинг илғор ишчиси А. С. Тюленев ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг номзодини қувватлаб, КПСС Марказий Комитетининг аъзолигига кандидат, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари **Нормахонмади Жўраевич Худойбердиевни** Термиз сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Корхонанинг бош механиги В. П. Гусак ва йиғилишнинг бошқа қатнашчилари ана шу таклифни қувватладилар.

**Никита Сергеевич Хрушчевни** ва **Нормахонмади Жўраевич Худойбердиевни Термиз** сайлов округидан Иттифоқ Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида якдиллик билан қарор қабул қилинади.

Термиз районидаги «Намуна» колхозининг аъзолари ва «Бойсун» совхозининг ишчилари ҳам Н. С. Хрушчев ва Н. Ж. Худойбердиев номзодини кўрсатдилар.

(ЎзТАГ).

Чирчиқдаги «Ўзбекхиммаш» заводининг 300 дан ортиқ вакили шаҳар аҳолиси ўртасида сайловолди агитацияси ишлари олиб бормоқда. Суратда: (чапдан) токарь А. Снегирев, инженер М. Тошматова, автосварқачи Ф. Федоров ва инженер Э. Аъзамов ўртоқлар сайловчилар билан навбатдаги учрашувга кетиша ётир.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Ўртоқ У. Уметов Чиноз районидаги 4-«Вревский» наслчилик совхозининг энг илғор ва тажрибали сут соғувчиларидан биридир. Ўтган йили у ҳар бош соғин-сигирдан 5 минг литрдан сут соғиб олди. Суратда: Ўртоқ У. Уметов.

М. Комлев фотоси.

## ИЛҒОР ЧЎПОН

Ашим Мансуровни Юқори Чирчиқ районидаги «III Интернационал» колхозининг аъзолари «бизнинг илғор чўпонимиз» деб аташади. У ўзининг кўп йиллик фидокорона меҳнати, эришган ажойиб ютуқлари туфайли колхозчилар ўртасида ҳурматга сазовор бўлди.

Мана 20 йилдирки, Ашим ака «Аччиқсой» яйловида ўзига бириктирилган қўй-қўзиларни меҳр билан боқиб келмоқда.

— Қўй-қўзиларим соғлом ўссин, туёғи кўпайсин деган чўпон энг аввало озуқани мўл қилиб жамгаради,—дейди Ашим ака. — Мен бу йилги қишловга астойдил тайёргарлик кўрган эдим. Қўйларим учун иссиқ қўралар ва кўплаб озуқа тайёрладим.

Илғор чўпон Ашим Мансуров ўтган йили боқимидаги 300 совлиқнинг ҳар 100 бошидан 115 тадан қўзи олишга муваффақ бўлган эди. У бу йил ҳар 100 совлиқдан олинадиган қўзиларнинг сонини 120 бошга етказиш, ҳар бир қўйдан камида 3 килограммга етказиб жун қирқиб олишга аҳд қилган эди. Ҳозиргача унинг боқимидаги 50 бош совлиқ қўзилади. Буларнинг ўнтаси эгизак туғди. Ашим ака шу кеча-кундузда ўз сўзининг устидан чиқиш учун ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Ж. ТУҚСОНБОЕВ.

## Помидор ғарқ пишди

Теплица хўжалигида иш қизғин. Бир секцияда редиска, укроп, иккинчисида бодринг ҳосили етилибди. Учинчи секцияда эса помидор ғарқ пишиб ётибди. Ёқимли ҳид таратаётган кашнич, укроп, петрушкаларни айтмайсизми!

Теплица ишчилари шаҳар аҳолисига тўрт тонна помидор, 1200 килограмм бодринг ҳамда бошқа маҳсулотлар етказиб бериш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Кўчатини эрта муддатларда далага чиқариб экиш мақсадида теплицага 9 килограмм карам уруғи сепилган эди. Ҳозир у текис униб чиққан.

Оржоникидзе районидаги «XXI партсъезд» совхозининг 1-бўлим теплица-парник хўжалигида бўлган киши азаматларнинг ишидан хурсанд бўлади.

Р. ИСМАТУЛЛАЕВ.

## Сайлов кунигача...

Тошкентдаги «Қизил юлдуз» тикувчилик фабрикасининг азамат ишчилари январь ойида пландагига нисбатан бир неча минг сўмлик кўп кийим-кечак тайёрладилар. Шу кунларда тикувчилар квартал планини СССР Олий Советига бўлаётган сайловлар куни — 18 мартга қадар бажаришга аҳд қилиб, суръатга-суръат қўшаётирлар. Шу мақсадда ҳозир фабрикада ўзаро социалистик мусобақа ҳар қачонгидан ҳам қизғин ўборилди. Ф. Дорхман ва Н. Ортиқова ўртоқлар бошлиқ бригадалар мусобақада яхши натижаларга эришяпти. Бу бригадалар кунлик топшириқни 140—150 процент бажармоқда.

И. РУСТАМОВ,
А. СОТВОЛДИЕВ.

# Мирзачўлда жўхоридан мўл ҳосил олиш мумкин

Мирзачўлда маккажўхори ва оқжўхори ҳосилдорлигини ошириш азотли ўғитларни солиш нормаларига боғлиқдир.

Республика чорвачилик институтининг озуқа етиштириш бўлими 1960 йилда Комсомол районидаги «Красний Восток» колхозида маккажўхорининг «Массино» ва оқжўхорининг «Ўзбекистон гиганти» навларини синаб кўрди. Бу синовдан асосий мақсад минерал ўғит солишнинг энг яхши нормасини белгилашдан иборат эди. Маккажўхори ва оқжўхори экилган майдонда 1959 йилда пахта етиштирилган эди. Ўша йили кузда ер 25—27 сантиметр чуқурликда шудгор қилинди. Майдоннинг ҳамласи икки хил навдаги жўхорини экиш учун қисмларга бўлинди. Ҳар бир қисмнинг ҳажми 200 квадрат-метрга тенг. Жўхори тўрт вариантда экилди. Ҳар қайси вариантда ҳам уруғлик 60х60 сантиметр схемаси билан квадрат-уялаб экилди. Ҳар бир уяга учтадан уруғ ташланди. Бир гектар ерга 12—15 килограмм ҳисобидан оқжўхори, 30—35 килограмм ҳисобидан маккажўхори уруғи экилди.

Маккажўхори ва оқжўхори парваришининг агротехникаси қуйидагича бўлди: эрта баҳорда ернинг намини сақлаб қолиш учун борона қилинди. 17 апрель куни СУЗ билан бир гектар ҳисобига 60 килограммдан суперфосфат солинди. 19 апрелда яна борона қилинди ва мола бостирилди. 30 апрелда уяларга аниқ миқдорда уруғ ташлайдиган сеялка билан маккажўхори ва оқжўхори экилди. 9 майда ўсимлик униб чиқди. Маккажўхорида 6—7, оқжўхорида эса 4—5 тадан чинбарг пайдо бўлганда узунасига ва кўндаланганига 8—10 сантиметр чуқурликда культивация ўтказилди. 15 июнда эса ўсимликнинг таги юмшатилди. 21 июнь куни СУЗ билан сульфатаммоний солинди. Сульфатаммоний бир гектар ер ҳисобига биринчи вариантда 60 килограммдан, иккинчи вариантда 90 килограммдан ва учинчи вариантда эса 120 килограммдан солинди. Ўсимликлар бутун парвариш давомида уч марта суғорилди. Суғориш ишлари ҳар ойда бир мартадан ўтказилди.

Мирзачўлнинг шўрлаган ерлари шароитида ўтказилган тажрибанинг натижалари шуни кўрсатдики, силос учун ҳам, дон учун ҳам экилган маккажўхорига бир гектар—ҳисобига 90 килограмм норма билан азотли ўғит солиш яхши экан. «Ўзбекистон гиганти» навли оқжўхорининг ҳар гектаридан 548 центнердон, маккажўхорининг «Массино» навидан эса 514 центнердан силосбоп кўкпоя олинди. Оқжўхорининг ҳар гектаридан олинган дон 83,2 центнерни ташкил этди.

Силос учун экилган оқжўхори июль ойининг учинчи ўн кунлигида, маккажўхори эса август ойининг учинчи ўн кунлигида, дон учун экилган маккажўхори сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида ўриб олинди.

Юқорида айтиб ўтилган гаплардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Мирзачўл группасидаги районларнинг чорвадорлари маккажўхори ва оқжўхори экишга жиддий эътибор берсалар, бу экиларга етарли майдонлар ажратилса, чорва моллари учун мустаҳкам емхашак базаси яратилади. Хўжаликларнинг раҳбарлари маккажўхори ва оқжўхори экиладиган майдонларни ҳозирданоқ белгилашлари ва бу майдонларни экишга яхши тайёрлашни таъминлашлари зарур.

Н. ПРЯДКО,
Узбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтининг илмий ходими.

ТЕХНИКАНИ КЎЗ ҚОРАЧУҒИДЕК АСРАЙЛИК!

# ПИНАКЛАРИНИ БУЗМАЁТИРЛАР

Баҳор кун сайин яқинлашиб келмоқда. Аммо бу ҳол 1-«Оҳангарон» совхозининг раҳбарларини сира ташвишлантирмаётир. Совхозда ҳамон хотиржамлик ҳукм сурмоқда. Кўкламга тайёргарлик кўриш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Айниқса совхозда қишлоқ хўжалик техникасини яхши сақлаш ва ремонт қилиш ишларининг аҳволи кишини ранжитади. Ҳар уччала бўлимда ҳам тракторлар, агрегатлар, сеялкаларни ремонт қилиш ҳақида ҳали тузуқроқ бош қотирилгани йўқ.

Иккинчи бўлимда битта ДТ-24, битта ДТ-20 трактори кўп вақтдан бери очиқ ҳавода занглаб ётибди. Бўлим раҳбарларидан бунинг сабабини сўрасангиз, «тракторчиси йўқ» деган жавобни эшитасиз. 2 та У-4 трактори ҳам ана шундай «эгасиз агрегатлар»дан ҳисобланади. Ремонт ишлари жуда суст бораётир. Меҳнат интизоми ҳаддан ташқари бўшашиб кетган. Ремонт устахонасига раҳбарлик қиладиган одамнинг ўзи йўқ. Устахонанинг собиқ механиги Ж. Деҳқонов ишдан бўшатилиб, ўрнига ўртоқ Ўтбосов механик қилиб тайинланган эди. Лекин у ҳали қорасини ҳам кўрсатгани йўқ.

Ремонт устахонасининг на деворлари бор, на дарвозаси. Турли-туман запас қисмлар очиқ-сочиқ ҳолда ётибди. Кўплаб запас қисмлар йўқолиб кетмоқда.

Совхознинг биринчи бўлимига Гаипов, 3-бўлимига Турғунов ўртоқлар механиклик қилмоқдалар. Бу ҳар иккала бўлимда ҳам техникани сақлаш учун усти ёпиқ сарой йўқ. Шу туфайли техниканинг 70 процентдан ортиғи очиқ ҳавода занг босиб ётибди.

Ўртоқ Йўлдошев ҳайдайдиган ДТ-54 трактори марказий устахонага ўтган йилнинг 15 октябрида келтирилган эди. Мана, орадан 70 кундан кўпроқ вақт ўтди. Ана шу давр ичида бу тракторнинг қисмлари эндигина жой-жойидан бўшатиб олинди, холос. Агар ремонт шундай суст даражада борса, бу тракторнинг кўкламгача тайёр бўлиши амри-маҳолдир. Устахонада ўз агрегатларини ремонт қилаётган Ўролов, Қўйбоқов ўртоқлар каби ёш тракторчиларга малакали механизаторлар яқиндан ёрдам бермаётирлар.

Хўжаликда кўкламга тайёргарлик кўриш ишлари ҳам ўзибўларчилик кайфиятида бажарилмоқда. Раҳбарлар аҳволни яхшилаш ўрнига «Ғалланинг ҳаммасини кузда экиб бўлганмиз, ерларимиз шудгор қилинган. Кўкламга деярлик иш қолмади. Баҳор келди дегунча экишга тайёргарлик ишларини бир пастда дўндириб юборамиз», деб таралла-бедод қилиб юрибдилар. Совхоз директори ўртоқ Ғуломов эса «мен бу ерга яқиндагина келганман» деган баҳонани пеш қилиб, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этишга жон куйдирмаяпти.

Т. ХУШНАЗАРОВ.

# ГЎШТ, СУТ МЎЛ БЎЛСИН!

Пахта ҳам, гўшт, сут ҳам сероб бўлсин! Яхши кийимга яхши овқат ярашади. Ҳайдаладиган ерларни ҳар юз гектари ҳисобига 75 центнердан, қишлоқ хўжалигига яроқли ерларнинг ҳар юз гектари ҳисобига 16 центнердан сўйилган вазнда гўшт етиштиришни таъминлайлик!

Пахтакор республикалар вакилларининг Тошкентда бўлиб ўтган зонал кенгашида ўртоқ Н. С. Хрушчев қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари олдига ана шундай жанговар вазифани қўйди.

Бу реал ва бажарилиши мумкин бўлган вазифадир. Ўтган йили давлатга гўшт сотиш планларини муваффақиятли бажарган район, колхоз ва совхозларнинг тажрибаси буни яққол кўрсатиб турибди. Бироқ гўшт, сут етиштиришда ҳамма резерв, имкониятлардан фойдаланилмади.

Оққўрғон районида давлатга гўшт сотиш плани ўтган йили атиги 75,4 процент бажарилди. Бўка районидаги «Ленинобод», Карл Маркс номли, Юқори Чирчиқ районидаги «Коммунизм», «III Интернационал», Калинин районидаги «Октябрь», «Москва», Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон», Свердлов номли бир қатор колхозларда ҳам давлатга гўшт сотиш плани бажарилмади.

Ҳамма имкониятлар бор бўлатуриб, сут закупка қилиш давлат плани ҳам ўтган йили барбод берилди. Сут сотиш планининг бажарилмаганининг сабаби шундаки, колхоз ва совхозларда мавжуд резервлардан унумли фойдаланилмади, сғин сигирларнинг сони кўпайтирилмади. Ем-хашакдан тежаб-тергаб фойдаланилмади.

Янги йилдаги мажбуриятларимиз, вазифаларимиз янгича, бу йил пахта ҳосилдорлигини ошириш билан бирга, мамлакатга мўлкўл ва арзон гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришимиз лозим. Бунинг учун чорва қишловини муваффақиятли ўтказиш, ҳар бир қулай имкониятдан фойдаланиш талаб қилинади.

Мана, январь ойи ҳам тугади. Лекин фактлар шуни кўрсатмоқдаки, баъзи бир район ташкилотлари, колхоз ва совхозлар, тайёрлов органларининг раҳбарлари ўтган йилги камчиликлардан ҳалигача хулоса чиқариб олганлари йўқ. Улар йил бошиданоқ давлатга бир меёрда чорвачилик маҳсулотлари сотилишини таъминламаётирлар.

Оҳангарон районида гўшт, сут сотиш топшириғи айниқса ёмон бажарилмоқда. Бекобод, Бўка, Комсомол районлари январь ойида давлатга бирон килограмм ҳам гўшт сотмаганликларини қандай баҳолаш мумкин. Шунингдек Ўрта Чирчиқ, Янгиер районларида ҳам аҳвол яхши эмас. Ўрта Чирчиқ райони биринчи кварталда давлатга 293 тонна гўшт сотиши керак. Лекин аҳвол шу зайлда давом этса, бу план қачон бажарилади. Районлараро харид қилиш бўйича давлат бош инспектори ўртоқ Султонов, гўшт, сут топширишнинг бу хилдалигига нега бефарқ қараялсиз, ахир сиз район партия комитети ва район ижроия комитетларининг диққат-эътиборини бу масалага жалб қилишингиз мумкин эди-ку!

Давлатга гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун фермаларда ишни моҳирлик билан ташкил этиш, чорва маҳсулдорлигининг ортиб бориши учун ҳамма чораларни кўриш ва фермаларни малакали кадрлар билан таъминлаш талаб қилинади.

Энг муҳими шуки, машъал чорвадорларимизнинг тажрибаларини барча колхоз ва совхозларда кенг оммалаштирайлик. Янгийўл районидаги ўртоқ А. Ортиқов раислик қилаётган «Ленинизм» колхози аъзолари январь ойининг бошларидаёқ давлатга гўшт сотиш йиллик планини бажардилар. Бу колхоз чорвадорлари эришган ютуқда ҳеч қандай сир йўқ. Ҳамма гап шундаки, бу ерда молбоқарлар ўз ишларига меҳр билан қарайдилар. Бўрдоқига қўйилган моллар зоотехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда боқилади. Гўшт етиштиришни кўпайтиришда ҳар бир имкониятдан, резервдан фойдаланилади. Колхозда қорамолчилик билан бирга, чўчқачилик, паррандачилик, балиқчилик ҳам кенг ривожлантирилаяпти.

Демак шундай экан, 22 минг тонна гўшт ва 64 минг тонна сут закупка қилиш давлат планларини таъминлаш вазифасини бажариш учун ишни барча колхоз ва совхозларда ана шу сингари машъаллар тажрибаси асосида ташкил этайлик.

Ҳамма жойда бўрдоқига боқишни намунали уюштириш муҳим вазифадир. Гўштга топшириш учун ажратилган моллар, қўйлар, чўчқаларни семиртириб боқиш учун бу ишга тажрибакор чорвадорларни жалб қилиш лозим. Давлатга сал бўлсада ориқ молнинг топширилишига йўл қўймайлик. Зоотехниклар бу соҳада ташкилотчилик родини ўйнашлари лозим.

Қўзилатиш кампанияси ҳам бошланди. Совлиқларни етарли миқдорда ем-хашак билан ва қўзиларни иссиқ хоналарда сақлашни таъминлаш, туғилган қўзиларни дарҳол рўйхатдан ўтказиш ва унинг сақлаб қолиниши учун курашиш керак.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чорва қишловини намунали, ўтказишга алоҳида эътибор берсинлар. Шунга эришиш керакки, қиш даврида ҳам сғин сигирлардан бир меёрда сут сғиб олайлик. Жун, тухум ва бошқа чорва маҳсулотлари тайёрлашда ҳам суръатни бўшаштирмаслик лозим.

Шуни айтиш керакки, йирик тайёрлов ташкилоти — Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги кенгаши, унинг гўшт-сут саноати бошқармаси, сут заводлари, пунктлари ўтган йили ҳамма имкониятлардан фойдаланмадилар. Улар тайёрлов ишлари суръатини кучайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан кенг ташкилотчилик ишлари олиб бормадилар. Тайёр маҳсулотни қабул қилиш билангина чегараланиб қолавердилар. Эндиликда бундай камчиликларнинг такрорланишига йўл қўймайлик. Завод директорлари, тайёрлов пунктларининг ходимлари совхоз директорлари ва колхоз раислари билан ҳамкорликда иш кўрсинлар. Улар совхоз ишчилари ва колхозчилардан сут сотиб олишни ташкил этишлари, бу соҳада берилган топшириқни ўз вақтида бажариш учун курашишлари керак.

Колхозлар, совхозлар ва районларнинг ҳар бир ўнкунлиги гўшт, сут, тухум сотиш юзасидан топшириқни сўзсиз бажаришлари учун барча чоралар кўрилсин.

П. НОВОСЕЛЬЦЕВ,
область тайёрлов бошқармасининг бошлиғи.

# Чет элларда нима гап

## ДЎСТЛАР ҲУЗУРИДА МЕҲМОНДОРЧИЛИКДА

ҚОҲИРА, 2 февраль. (ТАСС). Ёшларнинг ҳар йили ўтказиладиган фестивалини кўриш учун Қоҳира стадионига тўпланган 70.000 дан кўпроқ томошабин совет космонавти Юрий Гагаринни гулдурос қарсаклар билан табриклади. Гагарин Бирлашган Араб Республикасининг президенти Носир, вице-президентлари ва министрлари билан бирга ҳукумат ложасида ўлтирди.

Бирлашган Араб Республикасининг маориф министри Саид Муҳаммад Юсуф фестиваль бошланиши олдидан табрик нутқи сўзлаб, бундай деди:

«Гражданлар! Ёшлар! Мен курашаётган ёшларнинг символи бўлган кишини, космос пионери Юрий Гагаринни сизларга таништириш билан хурсандман. Унинг тимсолида биз космосни забт этиш ҳамда космосдан инсониятнинг гуллаб-яшнаши ва бахт-саодати манфаатлари йўлида фойдаланиш учун курашдаги ақл-заковатни, бир мақсадга интилишни ва сабот-матонатни табриклаймиз!».

Гагарин ўз жавоб нутқида самимий ва очиқ чеҳра билан кутиб олганликлари учун шахсан Бирлашган Араб Республикасининг президенти Жамол Абдил Носирга, Бирлашган Араб Республикасининг ҳукуматига, шунингдек дўст Миср халқига миннатдорчилик билдирди.

Гагарин эрталаб Хелуандаги сунъий ипак фабрикасини бориб кўрган эди. Фабриканинг ишчи ва хизматчилари совет космонавтини очиқ чеҳра билан кутиб олдилар. «Яшасин космос қаҳрамони!», «Яшасин Совет Иттифоқи!» деган табрик хитоблари айтилди.

## Раснинг матбуот конференцияси

ВАШИНГТОН, 2 февраль. (ТАСС). Давлат секретари Д. Раск ўзининг кечаги матбуот конференциясида Америка давлатлари ташкилотига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг Пунта-дель-Эстедаги маслаҳат кенгаши якунлари тўғрисида баёнот берди. Раск ўзи бошчилик қилган Америка делегацияси кенгашда «бир қатор қийинчиликларга» дуч келганлигини ҳамда АҚШнинг бошқа мамлакатлар билан ихтилофлари кенгашни олиб бориш тартибига доир ва юридик масалаларгагина таллуқли бўлиб қолмай, сиёсий проблемаларга ҳам таллуқли эканлигини тан олишга мажбур бўлди.

Шунга қарамай, давлат секретари «Ғарбий ярим шарга коммунизм суқилиб кираётганлигига» нисбатан «шу ярим шарда бирлик чуқур ҳис қилинмоқда», деб даъво қилди.

Мухбирлардан бири Раскдан, Кубанинг Америкааро системадан чиқарилиши АҚШнинг Куба билан бўлган шартномалар асосидаги муносабатларига ва чунончи АҚШ Гуантанамодаги ўз ҳарбий базасини сақлаб келаётганлигига асос бўлган шартнома қандай таъсир кўрсатиши мумкин деб сўради.

Давлат секретари айтдики, Гуантанамо ҳақидаги шартнома «Америкааро система» тузилганига қадар кучга кирган бўлиб, унинг фикрича, Кубанинг Америка давлатлари ташкилотида иштирок этиши ёки иштирок этмаслиги мазкур шартномага таъсир қила олмайди.

Раск, Қўшма Штатлар Куба билан ҳали ҳам давом этиб келаётган жуда оз кўламдаги савдо-сотиқ ишларини батамом тўхтатиб қўйиш-ёки, деган саволга жавоб беришдан бош тортди.

### АҚШ КОМПАРТИЯСИНИНГ ИШИНИ КЎРИШ КЕЧИКТИРИЛДИ

НЬЮ-ЙОРК, 2 февраль. (ТАСС). Машъум Маккарэн қонунига асосан судга тортилган АҚШ Коммунистик партиясининг ишини кўриш баҳоргача кечиктирилди.

Суд процесси дастлаб 1 февралга тайинланган эди.

Процесс кечиктирилганлигининг сабаби — давлат айбловчиларига Компартиянинг суддаги ана шу ишни тўхтатишни талаб қилувчи баёнотига жавоб тайёрлаш имкониятини беришдир.

Суд Компартиянинг суддаги ишни тўхтатиш ҳақидаги талабини қараб чиқадиган мажлисни апрель ойигача кечиктиришга қарор қилди. Башарти суд бу талабни рад этса, у ҳолда процесс май ойида бошланса керак.

### ЯПОНИЯ РАКЕТА БАЗАСИ ҚУРМОҚДА

ТОКИО, 2 февраль. (ТАСС). Кнодо Цусин агентлиги мухбирининг хабар беришича, Кюсю оролининг жанубий четидаги Утиноура шаҳарчасида Япония янги ракета базаси қурмоқда.

Базада учириш майдончаси, ракеталар учун йиғув цехи, лаборатория, ракеталар ангари бўлади. Қурилиш ишларининг қиммати 200 миллион иенадан ортиқдир. Бу ишлар 1963 йил охиригача тугалланиши керак.

### АДУЛА АҚШГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ПАРИЖ, 2 февраль. (ТАСС). Конго Республикасининг бош министри Сирил Адула кеча кечқурун самолётда Леопольдвилдан Нью-Йоркка учиб кетди.

Франс Пресс агентлиги мухбирининг Леопольдвилдан хабар беришича, Сирил Адула БМТ Бош Ассамблеясининг XVI сессияси ишида қатнашади, сўнгра эса, президент Кеннединнг шахсий меҳмони сифатида Қўшма Штатларда бўлади.

## ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 2 февраль. (ТАСС). Хавфсизлик Кенгашининг Покистоннинг қистови ва Ғарб давлатларининг қувватлаши билан Кашмир масаласига бағишлаб чақирилган мажлиси номуайян муддатгача кечиктирилди.

Покистон вакили Зафруллахон ўз нутқида «Кашмир проблемаси» кескинлашиб кетганлиги учун айбни Ҳиндистонга тўнкашга уринди ҳамда Хавфсизлик Кенгашини «Шу проблеманинг тинч йўл билан ҳал қилинишини гарантиялаб бера оладиган» чоралар кўришга чақирди.

Ҳиндистон вакили Жха Ҳиндистоннинг қандайдир «агрессив ниятлари» бор, деган даъволарнинг асоссизлигини кўрсатиб ўтди. Жха Кашмир—Ҳиндстоннинг ажралмас қисми эканлигини таъкидлагач, Ҳиндистон Покистон билан музокаралар олиб боришга ҳамиша тайёр, лекин бу музокаралар унинг суверенитетига путур етказмаслиги шарт, деди.

Ҳиндистон вакили Хавфсизлик Кенгашининг Кашмир масаласига бағишланган мажлиси кечиктирилишини илтимос қилди. Чунки Ҳиндистонда умумий сайловлар бўлиши керак, шундан сўнг янги ҳукумат тузилади ва бу ҳукумат Кашмир масаласини муҳокама қилишда иштирок этиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Раислик қилувчи Стивенсон (АҚШ) Ҳиндистон вакилининг илтимосига қўшилди.

СССР вакили В. А. Зорин таъкидладики, Совет Иттифоқи Кашмир масаласини муҳокама қилмоқ учун Хавфсизлик Кенгашини чақириш умуман асоссиз ва фойдасиз иш деб ҳисоблаган эди, модомики, раислик қилувчи Стивенсон бу мажлисни чақирган экан, айниқса Ҳиндистон вакилининг гапларини назарда тутиб, уни кечиктириш маъқулроқдир.

## ОЛИЖАНОБ ИШ

*БЕРЛИН, 2 февраль. (ТАСС). Германиядаги совет қўшинлари группасида хизмат қилаётган совет офицери Виктор Михеев Магденбург шаҳрида 8 яшар немис қизи Беата Тальбирскини қутқариб қолди. Бу қиз бошқа болалар билан бирга кўл бўйида ўйнаб юриб муз остига ағнаб тушди ва сувга чўка бошлади. В. Михеев ўзини музлаган сувга ташлаб, болани қирғоққа олиб чиқди. Беатага дарҳол биринчи ёрдам кўрсатилди. Шаҳар аҳолиси болани қутқариб қолгани учун совет офицерига чин кўнгилдан миннатдорчилик билдирди.*

## ИТАЛИЯДА ҲУКУМАТ ТАНГЛИГИ

РИМ, 3 февраль. (ТАСС). Италияда ҳукумат танглиги бошланди. Кеча кечқурун Римда Министрлар Советининг мажлиси бўлди. Бу мажлисда ҳукуматнинг истеъфо бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шундан сўнг Министрлар Советининг раиси Аминторе Фанфани дарҳол Квиринал саройига (давлат бошлиғининг резиденция-ига.— Редакция) бориб, истеъфо бериш тўғрисидаги аризани президент Гренкига топширди.

Бу сафарги ҳукумат танглиги христиан-демократик партия, республикачилар партияси, социал-демократик партия ва либераллар партиясининг 1960 йил июль ойида бўлиб ўтган машҳур воқеаларидан кейин тузилган «Конвердженци» деб аталган Иттифоқи тарқалиб кетганлигининг мантиқий оқибати бўлди. Ўша вақтда фашизмга қарши ҳаракатнинг кучли тўлқини халқ нафратига сазовор бўлган Тамброни ҳукуматини ағдариб ташлаган эди.

Мазкур иттифоқни тузиш вақтида Фанфанининг ўзи министрлик мансаблари фақат христиан-демократлар қўлига топширилаётган менинг ҳукуматим муваққат ҳукумат бўлади ва, аввало, бу ҳукумат мамлакатдаги кескин сиёсий кураш тамомлайганидан кейин тартиб ва осойишталик ўрнатиш билан шуғулланади, деб айтган эди. Бу кураш халқнинг кўпчилиги билан Тамброни ҳукумати ўртасида олиб борилган эди. Тамброни ҳукумати ҳам фақат христиан-демократлардан тузилган бўлсада, лекин парламентда янги фашистлар билан иттифоқ бўлиб иш олиб борган эди.

Христиан-демократлар партиясининг шу йил 27 январда съезди очилган кунда «Конвердженци»нинг охирги куни келди. Съезд очилган куни бу иттифоқ составидаги тўрт партиядан иккитаси — республикачилар ва социал-демократлар, ўзи буржуа партияси бўлган либераллар билан энди ҳамкорлик қилмаймиз, деб айтдилар ва христиан-демократлар, социал-демократлар ва республикачилардан иборат бўлган ва социалистик партия «сўлдан» қувватлайдиган «сўл-марказ» ҳукумати тузишни талаб қилдилар. Христиан-демократлар партиясининг съезди ҳам «сўл-марказ» блоки тузиш йўлини тутди, бу эса ҳукумат танглиги бошланишини узил-кесил муқаррар қилиб қўйди.

## Штраусниинг махфий музокаралари

БОНН, 3 февраль. (ТАСС). НАТОнинг бош секретари Стиккер Германия Федератив Республикасининг мудофаа министри Штраусга, мен АҚШ президенти билан учрашганимда, НАТОнинг «Европа қитъасидаги мамлакатларига» (яъни, аввало, Германия Федератив Республикасига) атом қуролини қўлланиш масаласини ҳал қилишда қатнашиш ҳуқуқини бериш тўғрисида «Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг истагини яна бр марта баён қиламан» деб ваъда берди. Бу хабарни Боннданги «парламентариш-политишер прессединст» матбуот бюллетени эълон қилди. Бу ҳақда Штраус билан Стиккер ўртасида яқинда Парижда бўлиб ўтган махфий музокаларда битимга келинган.

Бонн ҳукумат доираларидан олинган маълумотларга қараганда, деб ёзади матбуот бюллетени, Штраус Стиккерга ваъда бериб, сизни Бонн «қатъий равишда қувватлашига» ишонишингиз мумкин, деган. Штраус, деб давом қилади бюллетень, НАТО кенгашининг Афинада май ойида бўладиган сессиясида атом қуролидан фойдаланиш ҳуқуқи масаласини «лоақал принцип жиҳатидан» ҳал қилдириб олиш ниятидадир.

## ГИЗЕНГАГА ОЗОДЛИК!

Бутун жаҳон жамоатчилиги Конго халқининг асл фарзанди Патрис Лумумбанинг содиқ сафдоши, унинг ишларини давом эттираётган снёсий арбоб Антуан Гизенганинг ҳаёти хавф остида қолганидан ғоят ташвишланмоқда. Мустамлакачиларнинг бу янги жиноятлари ер шаридаги миллионлаб эксевар кишиларни қаттиқ ғазаблантираётир. Лумумбанинг қонини тўккан ёвузларга нисбатан халқлар нафрати тошмоқда. Барча мамлакат халқлари: «Антуан Гизенга ҳаёти сақлаб қолинсин!» деб якдиллик билан талаб қилмоқдалар. Ушбу сурат ўтган йили Антуан Гизенга Стенлиилвилда бўлган митингда қатнашганда олинган. Ўнгдан биринчи Антуан Гизенга.

# ДАМ ОЛИШ КУНИ САҲИФАСИ

Ғафур ҒУЛОМ

## Ё Қ У Т

Ўтган ҳафта қизим туғди,
менинг азамат қизим
саккизинчи боласи.
Яна янги жамол билан
равшанроқ тортди кўзим
дув-дувлаб набирасин.

Қарағим-чарағимсан
умрим, бахтим давоми
Умидим, сўрағимсан
сенга муборак бўлсин
юз минг тонгнинг саломи.

Мен дилдан сезар эдим, қора қизим Холида
эндиги замонанинг
бахтиёр оналигин
сақлаб бораётганин
Онгида, ақлоқида кайвоний жамолида.

Ўн олтинчи набира
бағрим даричасидан
мўралайди жаҳонга.
Майли кичик бўлса ҳам
кўксимни ўхшатаман
юлдуз тўла осмонга.

Қай биринг ким бўларсан?—
Қийнамас, ташвиш савол,
Чунки ўрталиқдадир
Ленин бобо яратган
Коммунизм аталган
эрта куни — истиқбол.

Биз кичик қизолоқни
Ёқут деган ном билан
қувониб улуғладик,
Кремль юлдузининг
нуридан ўғирладик
бир қатра, ирим учун.

Оиламиз шуҳратин
яна ҳам тўлиғладик
Отаси босмахона рабочийси
Шокирвой,
Бобоси мен бўламан.
Москва таъзимига бошимизни эгамиз
Саҳий кечирим учун.

3. II. 1962 йил.

Ташқарида қиш, ичкарида бўлса баҳор! Баҳорнинг нишонаси — мана шу гуллар. Уларни Тошкент шаҳар ижроия комитети ободончилик бошқармасига қарашли гуллар оранжереясида меҳр билан парвариш қилишади. Суратда: гулчилардан (чапдан) Ҳ. Қодирова ва С. Биккина ўртоқлар ниҳолларни шаҳардаги гул билан савдо қиладиган магазинларга тарқатишга тайёрлашаётир.

А. Абалян фотоси.

## Биласизми?

◆ *Қуёш Сомон йўли ядроси атрофидан секундига 216 километр тезлик билан айланади ва 230 миллион йилда уни тўла айланиб чиқади. Шу ҳисобга қараганда қуёш системаси карбон давридан бери галактика маркази атрофини фақат бир марта айланиб чиқипти.*

◆ *1959 йил июль ойининг иккинчи ярмида Ернинг айланиши тўсатдан секинлашди. Бу энг аниқ соатлар воситасида аниқланди. Ер суткасининг давомлилиги тахминан 0,0008 секундга камайди.*

◆ *Кўтарилиш фақат денгиз ва океанларгагина хос бўлмай, эластиклик хусусиятига эга бўлгани учун қаттиқ ер қобиғида ҳам рўй беради. Масалан биз бир суткада икки марта 30—40 сантиметр аста баландга кўтарилиб, яна аста пастга тушамиз.*

## МАШИНАМ

(Қўшиқ)

Ҳар орзуга йўл бўлган,
Колхозчига қўл бўлган,
Тиклаб тоғ-тоғ хирмонлар
Иш унуми мўл бўлган
Меҳнатсевар машинам.
Чаққон, чевар машинам.

Шер ўмровли қомати,
Элнинг нақли, омади,
Сени севиб, пайпаслаб —
Дўст тутган дол қолмади.
Қандингни ур машинам
Кўзларда нур машинам.

Мардлигинг зўр майдонда,
Меҳринг достон ҳар ёнда,
Сендан йироқ турганлар
Умри ўтар армонда
Айқириб юр машинам,
Ҳайқириб юр машинам.

Сен меҳнатда бахтимиз,
Фахримиз, хуш вақтимиз.
Сен билан ҳал бўлади
Планимиз, аҳдимиз.
Пахтакорим машинам
Бахтга ёрим машинам.

Толиб ИЎЛДОШ.

## Дунёда биринчи бўлиб...

Совет мутахассислари дунёда биринчи бўлиб, самолёт орқали катта майдонлар тупроғини карталаштиришни амалга оширдилар. Бу иш Поволжьеда суғориш системасини лойиҳалаш муносабати билан Волгограднинг жанубида ўтказилди. Тупроқ карталарини тузишнинг бу янги методи кутилганидан жуда ҳам эффектли бўлиб чиқди. Экспедиция қатнашчилари 4 ой ичида 400 000 гектар ерни ўз ичига оладиган карталарни тузиб чиқдилар.

## ҚАЛБ КЎЗИ БИЛАН

Эшик очилиб остонада бўйнига сумка осган почтальон чол кўринди.

— Валижон, уйдамисан...

Вали ака мулойимлик билан айтилган бу овозни дарров таниди.

— Қўчқор ота келдингизми, ҳа, бемалол ичкари кираверинг, — деди Вали ака, ўрнидан қўзғала туриб. — Қалай, бардаммисиз.

— Раҳмат, жиян,— почтальон нафасини ростлагандек бўлди. — Мана пенсиянгни олиб келдим. Ҳа, дарвоқе, хат ҳам бор эди, сал бўлмаса ёддан кўтарилай дебди.

— Қанақа хат экан,— қизиқсиниб сўради Вали ака.

Почтальон конвертга кўз югуртирди.

— Ўзбекистон ёзувчилар союзидан экан, жиян. Ма, ол!

— Ёзувчилар союзидан дейсизми, — деди Вали ака қувончидан эътиқиб, кейин илтимос оҳангида гапирди. — Мабодо малол келмаса, шу хатни очиб ўқиб берсангиз. Келинингиз бир иш билан чиқиб кетган эди, катта ўғлим эса мактабда..

Почтальон хатни овоз чиқариб ўқиб берди .Кейин иши зарур эканлигини айтиб чиқиб кетди. Вали ака хатни гиззасига қўйиб, пайпаслар экан, анча енгил тортди. Яхши гап юракка малҳам дегандекдек хатдаги гапларни эшитиб бутун вужуди завқ-шавққа тўлди. «Вафодор» романингиз бизга маъқул, бўлди, — Вали аканинг лаблари пичирлади, — асарингиз «Шарқ юлдузи» журналида босилиб чиқади. Ижодингизга муваффақият тилаймиз...».

Хатда ёзилган бу сўзларни такрорларкан, кўнглига жуда хуш келган тотли бир туйғудан энтикиб кетди. У жуда бахтиёр эди. Ўтиролмади. Ўрнидан даст туриб дераза томон юрди. Деразани очиши билан унинг қора кўз ойнак тақиб олган юзига илиқ шаббада урилди.

— Баҳор шаббадаси,—унинг лаблари аста пичирлади, — ҳа демай қир-адрлар, яшил майсаларга бурканади.

У ҳамон ширин ҳаёлларга ғарқ экан, бундан тўрт йил бурунги воқеа эсига тушиб кетди. Ўшанда ҳам айни баҳор фасли эди. Баҳор қувончи унинг қалбига илҳом солгандай, кўпдан орзу қилиб юрган эзгу нияти— йирик асар ёзишга даъват этгандай бўлди. Вали ака бўлажак асарини «Вафодор» деб номламоқчи бўлди. Ҳа, у вафодорлар ҳақида, уларнинг соф муҳаббатлари, чин дўстлиги, олижаноб мақсадлари ҳақида ёзади.

Ўша кезлари Вали ака катта ишга қўл уришга урди-ю, яна ўйланиб қолди. Уддасидан чиқа олармиканман?! Яна чала-чулпа бўлиб қолиб кетса-я... Наҳотки, жамиятга, севимли халқимга бирор тузукроқ нафим тегмаса.

Бунинг устига унинг асар ёзаётганидан ҳабар топган айрим кишилар Вали Ғофуровни руҳлантириш ўрнига бўлмағур гапларни айтиб, райини қайтармоқчи ҳам бўлишди.

— Менга қара ошнам. — деб писанда қилди улардан бири. — Сен ўзинг қанақа одамсан. Қўлингдан келадиган ишни қилиб турсангчи. Ожиз одамга ёзиш-чизишни ким қўйибди. Айтдим, қўйдим, бекорга овора бўлганинг қолади.

Вали ака ўша куни алла маҳалгача ухлайолмади. миясини чулғаган бўлмағур ҳаёл уни даҳшатга солди. Ожизлик дарди уни мажолсизлантириб қўйгандек бўлди. Шу тонда асари ҳақида эмас, балки ўзи тўғрисида, яқин ўтмиши ҳақида ўйларди.

... Кишининг кўзидан ажралиши қандай фожиа. Инсон учун бундан ҳам оғир мусибат борми дунёда?! Уруш. Кишилар бошига нималар келтирмади совуқ уруш. Бирини ёстиқдошидан жудо қилди, бировларини бола-чақасидан ажратди. Эндигина 20 баҳорни кўрган жангчи Вали Ғофуровда ҳам аламли шикаст қолдирди. Уруш уни мангуга кўзидан айирди.

Ҳали-ҳали эсида ўша даҳшатли кун. Ўртоқ Ғафуров гвардиячи қисм составидаги бўлинмада хизмат қиларди. Волгадаги жангнинг мудофаа этапи бошланганди. Атака вақтида пулемётчи Вали Ғафуров жасорат кўрсатди. У энди янги жойга кўчаман деб турган пайтда шу яқин ораға мина келиб тушади. Бир вақт ўзига келса жарликда ётибди. Кўзи эса кўрмасди... Ёш йигитнинг кўзидан ажралиши нақадар даҳшат!

Шунда у:

— Ахир, шу ҳам ҳаёт бўлдими? Йўқ-йўқ, нима бўлса-бўлар. Энди одам бўлиб қаёққа ҳам бордим. Бу даҳшатли кўргиликка чидагандан кўра ҳаётдан кўз юмган маъқулроқ, — деган хаёлга ҳам борган эди.

Аммо қалбининг қаеридандир: «Фалокатдан истироб чекма, иродангни маҳкам тут, бунга руҳан тайёрлан. Бора-бора кўникиб кетасан. Яшашнинг ажойиб намуналарини кўрсатган пўлат иродали кишилар йўқ дейсанми?» деган қатъий садо жаранглади. «Ажойиб ёзувчи Николай Островскийнинг мардонаворлигини бир эсла. Ахир, унинг на кўзи кўрарди, ва на оёқ-қўллари ишлар эди. Шундай бўлса ҳам эўр матонат кўрсатди. «Пўлат қандай тобланди» деган машҳур асарини ёзиб қолдирди. Сенинг эса уч мучалинг соғ!», деб унга далда бергандек бўлди, қайноқ қалб уни ҳаётдан умидвор қилди. Вали аканинг дона-дона тер қалққан қорача юзида енгил табассум белгилари порлади. Дилида тугён кўтарган исёнкор туйғулари яна босилгандек бўлди.

— Йўқ, йўқ, — у миясини чулғаган бўлмағур ҳаёлни тарқатиб юборгандек бўлди. — Қўл урдимми, охиригача етказаман...

Дарҳақиқат, унинг бу сўзлари қатъий эди. У ёшлигидан ёзиш-чизишга қизиқарди. Бадиий ижодга бўлган қизиқиши бирин-кетин ўз самарасини берабошлади. Газетхонлар унинг катта-катта зарисовка ва очеркларини ўқий бошлашди...

Шу-шу ёзувчи Островскийнинг ёрқин симоси Вали ака учун умид машъали бўлиб қолди. Ўртоқ Ғафуров кўнглининг алла қаерини ғаш қилаётган ўй фикрлардан халос бўлишда Корчагининнинг толмас жасорати катта куч бўлиб хизмат қилди. Бу ажойиб қаҳрамоннинг «Инсон учун энг қимматли нарса — ҳаётдир. Ҳаёт инсонга бир марта берилади ва уни шундай яшаш керакки маъносиз ўтказилган йиллари бўлмасин ва бунинг учун азоб алам чекилмасин, ўтган умр қабиҳ ва майда-чуйдадан иборат бўлмасин ва бунинг номуси одамни ёндирмасин, инсон умрини шундай яшасинки, ўлаётганида айтаолсин: бутун ҳаётим, ҳамма кучим дунёдаги энг гўзал нарсага, яъни инсониятни озод қилишга берилди» деган юрак сўзлари Вали ака қалбидан чуқур жой олди.

Шу учун ҳам «Вафодор» романини дадил ёзишга киришди. Ҳаёт қаҳрамонларини танлашда, уларнинг образларини яратишда унинг озми-кўпми тўплаган тажрибалари, айниқса ўз қўзи билан кўрган Улуғ Ватан уруши воқеалари етарли материал берди. Қалб бурчи, букилмас ирода, самарали меҳнат туфайлигина эндиликда китобхонларнинг севимли асари бўлиб қолган «Вафодор» романи майдонга келди. Совет кишиси деган улуғ ном Вали Ғафуровни игна билан роман ёзишга даъват этди. Игна билан қудуқ қазиш қанчалик мушкул бўлса, игна билан асар ёзиш шунчалик машаққатли эканлиги ҳеч биримизга сир эмас. У чиндан ҳам ҳаёт синовидан муваффақиятли ўтди.

— Киши фикри, киши ақли ҳар мушкулга йўл топишга қодир, — деди фахрланиб ҳикоя қилади ёзувчи Вали Ғафуров. — Кўзим ожиз демасам, ҳеч камчилигим йўқ. Ҳозир 5 фарзанднинг отасиман. Бир ўғил ва бир қизим мактабда ўқияпти. Ўзим ҳозир Тошкент область кўрлар жамиятига қарашли Свердлов номли ишлаб чиқариш комбинатида директор ўринбосари бўлиб ишлаяпман.

Бир вақтлар кўрлар алифбесининг ҳарфларини менга ўргатишган эди. Мана «энди ожиз ёш талабаларга игна билан ҳарф ёзишни ўргатиш касбкорим бўлиб қолди. Журналхонлардан кўплаб хатлар олиб турибман. Улар «Вафодор» романимдан олган таассуротларини завқланиб ҳикоя қилишади. Бундай муваффақиятга эришишда, шубҳасиз Ўзбекистон Ёзувчилар союзи аъзоларининг ёрдами катта бўлди.

Ҳозир қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш даври воқеаларига бағишланган янги роман ёзаяпман. Эҳтимол, шу йилнинг охирларигача тугатсам керак. Мен ожизман. Аммо, кўнгил кўзим бор. Бу кўз орқали эзгу орзуимга эришаяпман.

Ҳамма нарса иродага, меҳнатга боғлиқ эканлигини оддий совет граждани Вали Ғафуров каби пўлат иродали қалб эгалари тимсолида яна бир карра кўрамиз. Зотан, инсон ўзининг букилмас иродаси, ақли-идроки билан улуғдир.

А. АЛИЕВ.

Ёзувчи ўртоқ В. ҒАФУРОВ.
Н. Меломед чизган расм.

## ҲАР ТЎҒРИДА

### ҒАЛАТИ ДАРЁ

Грециядa Авнар деган ғалати бир дарё бор. Бу дарёнинг суви олти соат давомида денгизга қуйилади ,кейинги олти соатда эса денгиздан дарё томон (тескари) оқади. Бу ҳодиса мунтазам равишда такрорланиб туради. Олимлар дарёнинг бу «мўъжиза»сини сувнинг кўтарилиши ва пасайиши ҳамда Эгей денгизи сув сатҳининг ўзгариб туриши билан изоҳлайдилар.

### ИЛОН МАГАЗИН ҚОРОВУЛИ

Ҳиндистоннинг магазин, склад ва уйларида қоровуллар вазифасини ўргатилган илонлар бажаради. Магазинга тушган ўғри атрофига қарашга улгурмасданоқ, илон оёғига чирмашиб, бошини одамнинг кекирдагига олиб келаверади... Ана шунда жиноятчи қўрқувдан даг-даг титраб, бақиришга тушади. Агар у бирор кимсани ёрдамга чақирмаса, «қоровул» уни бўғиб, ўлдириб қўяди. Қоровул илонга маош белгиланган, лекин пул унинг ўргатувчисига тегади.

### БИРИНЧИ АВТОМАТ-СОТУВЧИ

Энг биринчи автомат сотувчи Қадимги Мисрда пайдо бўлган. Эрамиздан олдинги 50-йилдаёқ бундай автоматлар Александрия кўчаларига ўрнатилган. Майда танга билан ишловчи автоматлар ичимлик сув билан савдо қилган.

### ҲЕЧ КИМ ЗАҲАРЛАНМАДИ

Англиялик бир олим озиқ-овқат ишлаб чиқарадиган йирик фирманинг бир группа кимёгарларини энг оригинал тушлик билан меҳмон қилади. Тушлик махсус холодильникдан олинган тўрт хил овқатдан иборат эди. Меҳмонларга дастлаб 1900 йилда тайёрланган паштет тортилди. Кейин 1849 йилда қовурилган қўйнинг оёғи берилди. Учинчисига эса 1823 йилда тайёрланган пудинг қўйилди. Тўртинчи овқат — шоколад 1915 йилда тайёрланган экан. Ҳаво кирмайдиган қутичаларда сақланган бу овқатларнинг ҳаммасидан таклиф қилинганлар еб кўришди. Лекин экспертлардан ҳеч бири заҳарланмади.



«Маданиятли» йигит.
А. Холиқов чизган расм.

Кондуктор: — Намунча билет сўрайвермасангиз, контроль чиқиб қолса бераман деяпман-ку!
А. Отақулов чизган расм.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

## Қизиқ масалалар

Бу қизиқ масалалар ҳали маг буотда эълон қилинмаган. Уларнинг иккалови ҳам шахмат ўйинида қойил қолдирадиган нарса— сипоҳни иккита муҳим линиялар кесишадиган нуктада қурбон қилиш йўли билан ҳал қилинади. Ҳар иккала диаграммада ҳам оқлар юриш бошлаб, икки юришда қоралар шоҳини мот қиладилар.

Биринчи масала кутилмаган йўл 1. Фf4! билан ҳал қилинади. Бу юришда оқ доналар фарзинни қурбон қиладилар аммо аввал қоралар руҳи ва фили юриб турган икки муҳим линиянинг кесишган нуқтасини эгаллайдилар.

Оқларнинг биринчи юришидан сўнг икки хил мот бўлиш ҳавфи 2. Лс4Х ва 2. Сd6Х пайдо бўлади. Қоралар бу иккала мотдан қутила олмайдилар.

Мана. масалани асосий ҳал қилиш йўллари: 1...С: f 4 2. Лс4Х (қоралар руҳининг йўли бекилиб қолди) ва 1. Л: f 4 2.Сd 6Х (қора филнинг йўли тўсилиб қолди).

Шуни айтиш керакки, оқларнинг биринчи юришда фарзинни қурбон қилиши шунинг учун ҳам диққатга сазоворки. оқларнинг фарзини қоралар отини «қўйиб юборди». Бу масалада мот қилиш йўли чиройли: оқлар руҳи ва фили қоралариннг худди шундай сипоҳларига қарама-қарши юриб келади.

Худди шунга ўхшаш йўл билан ҳал қилинадиган иккинчи масалани ўзингизга ҳавола қиламиз.

И. БИРБРАГЕР,
шахмат композицияси бўйича СССР спорт мастери.

Биринчи масала



Иккинчи масала



## Телевизор

4 ФЕВРАЛДА

Рус тилида: 12.00 — Физкультура билан шуғулланинг, 12.20 — Инглиз тили дарси, 13.00 — Мишель ва Мишутка (кичкинтойлар учун кинокомедия).

Ўзбек тилида: 13.30 — Олтой ўқувчиси (телевизион очерк), 13.45 — М. И. Глинка — рус классик музыкасининг асосчиси (музика бўйича маданият университети).

Рус тилида: 18.00 — Шайтонча (болалар учун кўгирчоқ фильми), 18.25 — Ленинграддан музикали салом (ёшлар учун), 19.05 — Телевизион янгиликлар, 19.30 — Концерт («Қизил тонг» фабрикаси Маданият саройи бадиий ҳаваскорлари ижроси), 20.20 — «Тонг» бўйи кўчаси номли француз киноповести, 21.40 — Концерт («Баҳор» рақс ансамбли ижросида).

## Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/II да эрталаб **Этик кийган мушук**, кечқурун **Лайли ва Мажнун**. СССР халқ артисти **Саодат Қобилова**, Ўзбекистон ССР халқ артистлари **Саттор Ярашев, Насим Ҳошимов**, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар **Михаил Давидов, Жамол Низомхўжаев, Содиқ Воҳидов** ва солист **Роза Юсуповалар** қатнашадилар. 5/II да **Концерт**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/II да **Номус**, 6/II да **Ганг дарёсининг қизи**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 4/II да эрталаб **Фарғона ҳикояси**, кечқурун **Равшан ва Зулхумор**, 5/II да **Тошболта ошиқ**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ (Эстрада театри биносида) — 4/II да мактаб музика абонементи бўйича 4, 5, 6-синф ўқувчилари учун **суҳбатли концертлар** — кундуз соат 1 яримда ўзбек тилида: **«Пионер — ҳамма болаларга ўрнак»** деган темада, кундуз соат 4 да рус тилида: **«Чет эл Шарқи халқларининг ашула, музика ва рақслари»** деган темада.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Лўлилар аттракциони**. Лўлилар цирк труппасининг бадиий раҳбари — **Я. Д. Бреслер**. Бугун уч марта томоша кўрсатилади: кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда.

## Кино

**Комедияли фильмлар** — «ВАТАН». «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

**Бу бизнинг еримиз** — «ВАТАН» (кеч соат 5-20 минут ва 7 да).

**Узун кун** — «МИР» (кундуз ва кечқурун) «ИСКРА» (эрталаб соат 10, 11 ва кеч 10-10 минутда). «СПУТНИК» (кундуз 2 ва кеч 10 да).

**Даъват** (1 ва 2-серия) — НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ». «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар Советининг ижроия комитети 1917 йилдан КПСС аъзоси, шахсий пенсионер Ида Исааковна **Финкельштейн**нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар ва марҳумнинг оиласига таъзия билдирадилар.

## ШИНГИЛ ҲИКОЯЛАР

### КИМ ҲАҚЛИ?

Эр-хотин вокзалга етиб келсалар поезд жўнаб кетибди.

— Сен уйда ҳа деб ўралашавермаганингда кечга қолмаган бўлардик,— деди эр.

— Сен мени шоширавермаганингда бу ерда иккинчи поездни шунчалар кутиб қолмасдик, — эътироз билдирди хотини.

### ЁРДАМ БЕРДИ

Бир бемор тиш даволайдиган врачга мурожаат қилибди.

— Тишни олишга тўғри келади, — деди врач беморнинг оғзини текшириб кўргач.

Бемор қўрқиб, титрай бошлади. Врач унга бир рюмка ароқ қуйиб берди.

— Дадилроқ бўлиш учун ичиб олинг!

Бемор ичадию, лекин титроғи босилмайди. Врач унга яна қуйиб берди, кейин бемор учинчи, тўртинчи рюмкаларни ҳам бўшатади. Унинг титроғи босилганини кўрган врач:

— Хўш қалай? Дадил бўлиб қолдингизми? — деб сўради.

— Дадил бўлганда қандоқ, — дейди бемор. — Қани энди бирортаси менинг тишимга тегиб кўрсинчи!..

### АВТОБУСДА

Автобусининг ҳамма ўриндиқлари пассажирлар билан банд. Кондуктор ҳаммага навбат билан билет тарқатмоқда. Орадаги ўриндиқда ўтирган бир йигитча кондукторга пул узатди-да:

— Менга билет йиртмай қўяқолинг, — деди.

— Нега?

— Сизнинг ҳам бола-чақангиз бор, ахир, — деди йигитча кўзларини пирпиратиб.

Кондуктор шартта билет йиртиб унга узатди-да:

— Ҳа, бола-чақам бор! Лекин уларни харом пул билан эмас, ҳалол маошим билан боқаман!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 26232, Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786, Секретариат — 34808, 31936. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 25888. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистон Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 00643. Нашр. Г. — 1521.